ЭЛ-ЮРТ ЭЪТИБОРИ ВА ЧЕКСИЗ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН ҲАР ҚАНДАЙ КИШИ ЎЗИНИ БАХТИЁР ҲИС ЭТИШГА ҲАҚЛИДИР.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ!

«Миллий тиклаиш» демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

Milliy tiklanish

1995 йил 10 июндан чиқа боплаган

www.mt.uz / milliytiklanish2022@umail.uz

№ 9 (1158) 2022 йил
8 март, сешанба

ISSN 2010-7714

АЁЛ ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК БАРҚАРОР БЎЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ва мўътабар онахонлар!
Мунис опа-сингиллар!
Дилбар қизларим!
Шукуҳи ва қувончи тамоман ўзгача бўлган бугунги тантанамизда иштирок этаётган сиз, нафосат олами вакилларини, бутун мамлакатимиз аёлларини Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклайман. Барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва энг эзгу тилакларимни билдираман.
Аввало, оилангиз ва яқинларингиз бахтига, қолаверса, аёл қадрини эъзозлаб яшайдиган эл-юртимиз бахтига соғ-омон бўлишингизни, доимо мана шундай гўзал баҳорий кайфиятда юришингизни тилайман.

Давоми 2-саҳифада

5

ИНСОН ҚАДРИ, АЁЛ ШАЪНИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ЯШАЯПМИЗ

АЁЛ ЭЪЗОЗ УЧУН ЯРАЛГАН

4

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОНҚА ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ ЗУЛФИЯ ИСМОИЛОВА II-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ.

3

АЁЛ ФИТРАТИГА ЙЎЛ

«Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалаларига қаратилган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ ҲАЁТИ АКС ЭТГАН КЎРГАЗМА

Аслида баҳор ва аёл эгизак тушунчалардир. Баҳор она табиатга кўрк бағишласа, аёл ҳаёт бўстонининг боғбонидир.

ҚОСИМ ШАЙХ АЗИЗОН КИМ БЎЛГАН?

7

ҚОСИМ ШАЙХ ЎЗ МУРИДЛАРИНИ БОШЛАБ КЕЛИБ, БЎЛҒУСИ ҲУКМДОР 17 ЁШЛИ АБДУЛЛАХОНГА МАСЛАҲАТ БЕРАДИ ВА УНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН КАРМАНА ҚАЛЪАСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ.

ЭНДИ ОРТИҚЧА БОЖ ҲАМ, СОЛИҚ ҲАМ ТЎЛАНМАЙДИ!

3

Машина ва уй сотиб олаётганлар учун «8 март» совғаси бу

ЭЪТИБОР ИНСОНГА КУЧ ВА РАҒБАТ БЕРАДИ

4

6

БАХТИМ ШУЛ - ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН

Қадим тарих китобларига зарҳал ҳарфлар билан номи битилган, миллат оналарининг шонли тимсолларидан бири, шубҳасиз, Зулфияхоним Исроиловадир. У киши чорак асрдан ортиқроқ давомида «Саодат» журнали бош муҳаррири сифатида қанчадан қанча оилаларга, айниқса, хотин-қизларга ёрдам берди, дунёнинг барча яхшилиги-ю азобини соҳир қалами билан енгиб, чинакам шеърият мактабини ярата олди.

2022 йилнинг 9 март санасидан

1 АҚШ доллари 10897.27. 1 ЕВРО 11831.17. 1 Россия рубли 79.89. 1 Англия фунт стерлинги 14351.70. 1 Япония иенаси 94.70.

Янги Ўзбекистон

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz

«Milliy tiklanish»
ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№9 (1158)
8 март 2022 йил, сешанба

АЁЛ ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК БАРҚАРОР БЎЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Бошланиши 1-бетда)

Муҳтарам юртдошлар!

Халқимиз азал-азалдан Она сиймосини, Аёл зотини Яратганнинг улуғ неъмати, тенгсиз мўъжизаси, деб билади, уни ҳамиша ардоқлаб-асраб яшайди. Юртимиз заминидаги «Бибихоним», «Қизбиби», «Модарихон», «Қирққиз» мажмуаси каби табаррук меъморий обидалар ҳам ана шундай азалий юксак эътибордан далолат беради.

Айни пайтда биз инсоният тараққиётига унутилмас ва беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизни дунёга келтириб, меҳр билан тарбиялаган, уларни улуғвор ишларга руҳлантириб, камарбаста бўлган фозила аёлларимиз билан, албатта, фахрланамиз.

Маълумки, ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади.

> ❝ Ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани, унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади.

Халқимизни рози қилишдек олий мақсадга эришиш учун хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Шу ўринда эътиборингизни айрим мисолларга қаратмоқчиман.

«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди» деган эзгу тамойил асосида, 2021 йилда 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилди. Бу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Хусусан, 18 мингта аёлларга уй-жой харид қилиш учун 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Боқувчисини йўқотган аёлларнинг фарзандлари учун боғча харажатларини бюджетдан қоплаш тартиби жорий этилди.

Яна бир муҳим рақамга эътибор беринг. Фақатгина 2021 йилнинг ўзида хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 триллион сўмдан зиёд кредит ва субсидиялар ажратилди. Натижада 320 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз доимий иш ва даромадга эга бўлдилар.

Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш бўйича ҳам эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, 2021 йилда эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 мингдан зиёд қизлар олийгоҳларга давлат гранти асосида қабул қилинди, яна шунча талаба-қизларга контракт пуллари тўлаб берилди.

Аёллар таълимига алоҳида эътибор бераётганимиз туфайли ўтган йили олий ўқув юртларига қабул қилинган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Агар бундан олти йил аввал олийгоҳларда 110 минг қизларимиз таҳсил олишган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 400 минг нафарга етди ёки уларнинг улуши 2016 йилдаги 38 фоиздан айни пайтга келиб, қарийб 50 фоизга етди.

Бу натижалар ҳам ушбу йўналишдаги ислоҳотларимизнинг амалий ифодаси, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам фикримга қўшиласизлар.

Ҳар қандай халқнинг етуклик даражасини, аввало, аёлларнинг илмий-маданий камолоти белгилаб бериши, оқила ва ўқимишли оналар миллатнинг буюк келажагини яратишлари ҳаммамизга яхши аён. Шу боис донишмандлар:

«Битта қиз болани ўқитсангиз – бутун оилани ўқитган бўласиз», деб бежиз таъкидламаганлар.

Қизларимизнинг замонавий билимлар ва касб-ҳунар эгаси бўлиб, жамиятда ҳамда ўз оиласида муносиб ўрин топиши учун бошлаган ишларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз. Бу борада, аввало, 2022-2026 йилларга мўлжалланган **Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури**ни қабул қиламиз. Ушбу ҳужжат доирасида пойтахтда хотин-қизлар учун алоҳида университет ва жойларда унинг техникумларини ташкил этамиз. Барча талаба-қизларга таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш тартиби жорий қилинади.

Ушбу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида илмий изланиш ва кашфиётлари билан юртимиз равнақига катта ҳисса қўшиб келаётган олима аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга кўтарамиз.

Маълумки, бугунги кунда опа-сингилларимиз орасида ўнлаб академик ва профессорлар, фан докторлари ва фан номзодлари, юзлаб истеъдодли тадқиқотчилар бор. Илм-фан билан шуғулланиш, илмий янгилик яратиш – бу игна билан қудуқ қазишга баробар.

Мен ўзим шу соҳадан чиққаним учун бу ишнинг нақадар қийин ва мураккаб эканини яхши биламан. Шунинг учун ҳам оила ташвишлари ва фарзанд тарбиясини илмий тадқиқот билан бирга олиб бораётган, бу борада амалий ютуқ ва натижаларга эришаётган олима аёлларни шахсан мен чинакам матонат ва жасорат соҳибалари, деб биламан ва юксак қадрлайман.

Зукко ва билимдон хотин-қизларнинг илм-фанга бўлган қизиқиш ва иштиёқини ошириш мақсадида биз бир қанча муҳим чора-тадбирлар белгиладик. Жумладан, келгуси ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган барча қизларнинг контракт пулларини тўлиқ бюджетдан қоплаб бериш учун ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилади; докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади.

Бу ишларни тизимли равишда ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузурида «Олима аёллар жамияти» тузилади. Ушбу жамият мамлакатимизда ва хорижда илм-фан соҳасида юксак ютуқларга эришаётган олима аёлларимизни жипслаштириб, уларнинг ақл-заковат нурини ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб бориши учун ўзига хос парвоз майдонига айланади.

Заҳматкаш олималарнинг машақкатли ва шарафли меҳнатини муносиб рағбатлантириш, улар учун ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиш мақсадида «Олима аёллар жамияти»га ҳар йили 50 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Умуман олганда, юқорида айтилган барча мақсадларга жорий ва келгуси йил учун 1,8 триллион сўм йўналтирилади.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Хабарингиз бор, яқинда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган йиғилишда ҳам бу борада олдимизда турган энг муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилиб олдик. Шу асосда муҳим Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ушбу вазифаларни тизимли ва самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида Бош вазир ўринбосари лавозими қайта тикланди ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди.

Республикадаги 9,5 мингга яқин маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосарлари ҳам қўмита тизимига ўтказилди. Ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинди.

Шу тариқа опа-сингилларимизнинг муаммолари, дарду ташвишлари билан доимий шуғулланадиган адолатли ва самарали тизим яратилди.

Энди мамлакатимизда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ёндашувлар ҳам тубдан қайта кўриб чиқилади. Жумладан, эҳтиёжманд аёлларга зарур шароитлар яратиш, хотин-қизлар саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилиш, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аёлларнинг касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида ишлаётган хотин-қизлар сонини янада кўпайтириш мақсадида «Бизнесчи аёллар» дастури қабул қилиниб, унинг доирасида 8 триллион сўм маблағ йўналтирилади. Шунингдек, жорий йилда ипотека кредитлари бўйича бериладиган субсидияларнинг 40 фоизи хотин-қизлар учун ажратилади. Бу муҳтож аёлларни 12 мингта қулай уй-жой билан таъминлаш имкониятини беради.

Тарихимизда илгари бўлмаган бундай кенг кўламли ишлар ижроси учун 15 триллион сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Барча ҳудудларимизда жамоатчиликка, аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган, обрў-эътиборли аёлларни ўз сафида бирлаштирган «Оқила аёллар» ҳаракатини сизлар билан бирга ташкил этсак, бу эзгу ҳаракат том маънода жамиятимиз овозига, маҳалла виждонига айланади, деб ўйлайман.

Шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча меҳнат жамоаларида хотин-қизларнинг муаммоларига самарали ечим топиш учун «Аёллар кенгашлари» тузилмоқда.

Бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: хотин-қизлар ва оила масаласи – бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир.

Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фаришталари бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади. Дуогўй момоларимиз, муштипар оналаримиз ва азиз опа-сингилларимиз бу эҳтиром ва эътиборнинг, албатта, қадрига етадилар. Аёл қадри, инсон қадри улуғланган юртда эса, тинчлик ва фаровонлик, аҳиллик ва барака албатта барқарор бўлади.

Ҳурматли байрам тадбири қатнашчилари!

Ҳозирги кунда хотин-қизлар мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг, халқчил ислоҳотларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчисига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Биз республикамиз бошқарув тизимида, парламент ва маҳаллий Кенгашларда, турли соҳаларда билимдон ва фидойи опа-сингилларимизнинг улушини кўпайтиришга алоҳида аҳамият қаратамиз. Уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада кучайтириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, она Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган сизлар каби минг-минглаб жонкуяр аёллар, фаол қизларимизга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Шу билан бирга, бугунги файзли даврамизда иштирок этаётган дипломат хонимларни – хорижий давлатларнинг ҳурматли элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини ҳам чин дилдан самимий қутлайман. Сизларга ўзаро манфаатли ва кўпқиррали муносабатларимиз ривожига қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун алоҳида ташаккур изҳор этаман.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Марказий Осиё масалалари бўйича махсус вакили Наталия Герман хоним олияларини бугунги байрамда иштирок этаётганликлари учун алоҳида миннатдорлик билдирамиз. Бугунги байрам билан ушбу меҳмонимизни ҳам самимий табриклаб, минтақамизда яқин қўшничилик ва кўпқиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятли ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Азиз опа-сингиллар!

Биз жонажон Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу ва шарафли йўлда энг аввало, оиланинг муқаддас қадриятларига ва чин мураббий бўлган оналаримизнинг теран маънавиятига таянамиз.

Шу боис мен сизларга мурожаат этиб айтмоқчиман.

Биз мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш учун янги тарихий даврга қадам қўйдик.

Фарзандларимиз қалбига улуғ мақсадлар, олижаноб ғояларни сингдириш – барча Ўзбекистон оналарининг шарафли бурчидир.

Юксак фазилатли, мард ва жасур, ватанпарвар ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, албатта, сизларга боғлиқ. Бу – ёруғ келажакка йўналтирилган энг катта инвестиция ва битмас-туганмас бойликдир.

Шу ўринда шижоатли ва дилбар қизларимга ҳам кўнглимдаги бир фикрни айтмоқчиман.

Бугун биз эркин ва очиқ жамиятда яшамоқдамиз. Бу имкониятдан тўғри фойдаланиб, давр билан ҳамқадам бўлишимиз, замонавий илм ва касб-ҳунарларни эгаллаб, илғор тараққиёт ютуқларини ўзлаштиришимиз, айни вақтда миллий ўзлигимизга содиқ қолишимиз керак. Сизлар эл-юртимизнинг ана шундай юксак умиди ва ишончига муносиб бўласизлар, деб ишонаман.

Қадрли ватандошлар!

Маълумки, турли соҳаларда ўз иқтидорини намоён этиб келаётган истеъдодли қизларимизни ҳар йили мана шу қутлуғ байрам арафасида Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш яхши анъанамизга айланган.

Бугун Зулфияхонимга муносиб издош сифатида эътироф этилиб, совриндорлар сафида турган яна 28 нафар зукко фарзандларимни кўриб, қалбим чексиз фахр ва қувончга тўлмоқда. Сизлар каби юксак марраларга интилувчан қизларимни чин юракдан табриклаб, намунали фаолиятингиз ва етакчилик фазилатларингиз билан тенгдошларингизга ўрнак бўласизлар, деб ишонаман.

Шунингдек, ушбу файзли лаҳзаларда кўп йиллар давомида давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, фидойи меҳнати билан ўз соҳасида катта ютуқ ва натижаларга эришаётган бир гуруҳ аёлларимизни юксак давлат мукофотлари билан тақдирлаймиз.

Сизларнинг ҳар бирингиз ўз ғайрат-шижоатингиз, тафаккур ва тажрибангиз билан Янги Ўзбекистонимиз равнақи ва она халқимиз фаровонлиги учун беқиёс хизмат қилмоқдасиз.

Эл-юрт эътибори ва чексиз меҳрини қозонган ҳар қандай киши ўзини бахтиёр ҳис этишга ҳақлидир.

Шу маънода, давлатнинг юксак мукофотларига сазовор бўлиш, бу аввало, халқнинг назарига тушиш, унинг дуосини олиш демакдир.

Бугунги қувончли айёмда сизларга, азиз опа-сингилларим ва мунис қизларимга ана шу мукофотларни топшириш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Муҳтарама опа-сингиллар!

Суюкли қизларим!

Барчангизни яна бир бор бугунги баҳор ва нафосат, гўзаллик ва латофат байрами билан самимий табриклайман.

Сизларга дунёдаги энг бебаҳо бойлик – оилавий бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини кўриб юриш қувончи ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

Иқболингиз баланд, умрингиз узоқ, ҳаётингиз фаровон бўлсин!

Қалбингиз доимо баҳордек яшнаб турсин!

Ҳамиша соғ-омон бўлинглар!

ЎзА

Янги қонун лойиҳасида ишлаб чиқарилганлик ва от кучидан қатъий назар базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баробари, яъни 810 минг сўм миқдорда давлат божи ундириш белгиланмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланса, 290 млрд. сўм маблағ фуқаролар ёнида қолади

8 март 2022 йил, сешанба | №9 (1158) | www.mt.uz | e-mail: milliytiklanish2022@umail.uz

4 | Аёл эъзоз учун яралган

5 | Инсон қадри, аёл шаъни улуғланган юртда яшаяпмиз

6 | Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман

ЭНДИ ОРТИҚЧА БОЖ ҲАМ, СОЛИҚ ҲАМ ТЎЛАНМАЙДИ!

Машина ва уй сотиб олаётганлар учун «8 март» совғаси бу

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, айни пайтда нотариал ҳаракатларнинг асосий қисми кўчмас мулклар, автотранспортлар олди-сотдиси билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Аммо давлат божини тўлашда ҳам нотариусларда, ҳам фуқароларда турли тушунмовчиликлар пайдо бўляптики, ўз ўрнида қатъий «ставка»ларни белгилаш заруратини келтириб чиқармоқда.

Шундан келиб чиқиб, янги қонун лойиҳасида уй сотиб олишда майдоннинг қанчалигидан қатъий назар бир хил – 1,5 баробар миқдорда бож ундириш таклиф қилинмоқда. Амалдаги қонунчиликда бу олтита тоифага ажратилган бўлиб, олти хил миқдорда давлат божи ундирилар эди.

Автотранспортлар олди-сотдисида ишлаб чиқарилган йили, от кучи, жами 12 та тоифага ажратилган ҳолда умумий нархнинг 10 баробар (2 700 000)игача тўлов қилиняпти. Шу боис, аксарият одамлар сотиб олаётган машинасини ўзининг номига расмийлаштиришдан кўра, 3 йиллик ишончнома имзолашни афзал кўряпти.

Янги қонун лойиҳасида ишлаб чиқарилганлик ва от кучидан қатъий назар базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баробари, яъни 810 минг сўм миқдорида давлат божи ундириш белгиланмоқда. Амалда гаров, ипотека, лизинг, қарз шартномаларини тасдиқлашда ҳам суммадан келиб чиққан ҳолда давлат божи ундирилиши лозимлиги таъкидланяпти. Янги қонун лойиҳаси билан бу борада ҳам қатъий тўлов суммаси белгиланяпти.

Ташаббускорларнинг маълум қилишича, агар ушбу қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланса, бир йилда 290 млрд. сўм маблағ фуқаролар ёнида қолади.

– Юртдошларимиз ушбу ўзгаришларни узоқ йиллардан буён кутишаётган эди. Чунки бюджетга тушум қиламиз деб, божларни юқори белгилаб, адолатсизлик қилинаётган эди. Шунинг учун ҳам халқ манфаатига хизмат қиладиган, аҳолига енгиллик берадиган бундай қонунларни бир овоздан қўллаб-қувватлашимиз керак, – деди фракция раҳбари Алишер Қодиров.

Йиғилишда «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Фракция аъзоси Руслан Жумамуратовнинг таъкидлашича, ушбу қонун лойиҳаси билан янги тузилма – солиқ маслаҳатчилари институти жорий қилинмоқда. Қайд этилишича, янги тузилма солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга уларга яқин кўмакчи ҳам бўлади. Қонун билан эса солиқ маслаҳатчисининг вазифалари, ваколат ва ҳуқуқлари белгилаб қўйиляпти.

Лойиҳани ишлаб чиқишда Европа давлатлари, шунингдек, Россия, Беларус ва Қозоғистоннинг бу борадаги тажрибалари ҳам ўрганилди.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Фракция аъзоси Шерзод Раҳимов ушбу қонун лойиҳаси юзасидан сўзга чиқиб, бешта қонунга техник жиҳатдан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётганини маълум қилди.

Жумладан, «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунга минерал ўғит ва кимёвий воситалар импорти, улгуржи ва чакана савдо билан боғлиқ бир қатор ўзгартишлар киритилмоқда. Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари эҳтиёжидан келиб чиқиб, минерал ўғит ва кимёвий воситаларни импорт қилиш ва бу бўйича рухсатнома ҳамда лицензия олиш тартиблари соддалаштирилмоқда.

Фракция йиғилишида партиянинг маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар ҳам масофадан иштирок этдилар. Улар ҳам айрим қонун лойиҳалари бўйича ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришди.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

«Аёллар қаноти»

Аёл фитратига йўл

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалаларига қаратилган видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқиб, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова сўзга чиқиб, Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган таклиф ва ташаббуслар, устувор вазифалар хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, улар учун муносиб таълим, меҳнат шароитларини яратиш, яъни аёлнинг бахтли бўлишига хизмат қилишини таъкидлади.

– Айниқса, Президент Фармони билан Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятининг йўлга қўйилиши жамиятда аёллар билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этилишига ёрдам беради, – деди Ф.Муҳаммаджонова. – Шунингдек, Президент томонидан алимент тўловларини кафолатли таъминланиши учун «Алимент тўловлари» жамғармасини ташкил этишга доир таклифнинг илгари сурилиши партия фаолларини руҳлантириб юборди. Чунки, сўнгги икки йил давомида партия фаоллари оилавий ажримлар масаласида кескин қарорлар қабул қилиш пайти келганини таъкидлаб келаётган эдилар.

– Биз хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган қонунларга ўзгартишлар киритяпмиз, уларни имтиёз ва имкониятлар берадиган қарорлар билан рағбатлантиряпмиз. Лекин нима учун кўплаб опа-сингилларимиз муаммолар гирдобидан чиқа олмаяпти? – дея даврага савол ташлади Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, шоира Фарида Бўтаева. – Бу, энг аввало, уларнинг қонунларни яхши билмаганидан, қарорлар билан таниш эмаслигидандир. Биз уларнинг нима хоҳлаётганларини, қандай муаммолар билан яшаётганларини билишимиз, опа-сингилларимизнинг фитратига, қалбига қулоқ солишимиз керак. Шундагина аёлни бахтли бўлишига, уни тўғри йўл танлашига ёрдам беришимиз мумкин...

Тадбирда депутатлар, партия фаоллари маърузада билдирилган фикрлар партиянинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларга уйғун экани ва бу партия фаоллари ҳамда депутатлар зиммасига қатор вазифалар юклашини алоҳида таъкидладилар.

Давра суҳбатида «Депутат аёллар клуби» аъзолари ўз сайловчилари билан жойларда учрашиб, хотин-қизларимизга мамлакатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, шунингдек, баҳорнинг илк кунида Президентимиз иштирокида ўтган хотин-қизлар масаласидаги тарихий йиғилиш тафсилотларидан жамоатчиликни хабардор этишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини белгилаб олдилар.

Мухлиса ЭРГАШЕВА,
Марказий кенгаш бош мутахассиси

Хотин-қизларимиз ҳаёти акс этган кўргазма

Аслида, баҳор ва аёл эгизак тушунчалардир. Баҳор она табиатга кўрк бағишласа, аёл ҳаёт бўстонининг боғбонидир. Айниқса, байрам кунлари мунис ва мўътабар онажонларимиз, дилбар опа-сингилларимиз таърифига энг гўзал ашъорларни битамиз. Ҳаётимиз кўрки, дея уларни кўкларга кўтарамиз. Байрам муносабати билан бутун юртимиз бўйлаб нафосат маликалари бўлган хотин-қизларимизга алоҳида эҳтиром кўрсатилмоқда. Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси, «Ўзархив» агентлиги ҳамда Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви ҳамкорлигида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан «Ўзбек аёли – ўтмиш, нафосат, келажак рамзи» мавзуидаги ҳужжатли фото кўргазма бўлиб ўтди. «Улуғ халқ қудрати жўш урган замон» шиори остида ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистон миллий архивлари ҳамда давлат архивларида сақланаётган 200 га яқин фото ҳужжатлардан иборат уч даврни, яъни Туркистон ўлкаси 1860-1923 йиллар, Ўзбекистоннинг 1924-1990 йиллари ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги – 1990-2021 йилларни акс эттирувчи аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий хаётларини ёритиб берувчи фото суратлар намойиш этилди. Мазкур асарларда хотин-қизларимизнинг йиллар давомида Ватан равнақи, эл тинчлиги ва фарзандлари тарбияси йўлида олиб борган фидокорона меҳнатлари акс эттирилган. Фотокўргазма ўзбек аёлларининг жонкуярлигини нафақат тараннум этиш, балки анъана ва қадиятлар билан бир қаторда ҳар бир даврда, ҳар соҳада илғор одимлаб бораётган архив ҳужжатларини аҳолига тарғиб этиш мақсадида ташкил этилди.

Гулноза БОБОЕВА,
ЎзА

ОБУНА – 2022!

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Обуна индекси 158

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz

«Milliy tiklanish»
ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№9 (1158)
8 март 2022 йил, сешанба

Аёл эъзоз учун яралган

Минг йилларки, ҳар қандай жамиятнинг баркамоллиги аёлларга бўлган муносабати билан ўлчанади. Ҳадиси шарифларда «Жаннат оналар оёғи остидадур», «Аввал онангизга, яна онангизга, ва яна онангизга, сўнгра отангизга яхшилик қилинг», деган беназир сўзларда ҳам ана шундай эҳтиром мужассамдир.

Шу маънода, сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик ишлар амалга оширилаётганини айтиш жоиз. Учинчи Ренессанс пойдеворини тиклашда ҳам аёлларимизнинг алоҳида ўрни бор, албатта. Бугун аёллар ҳам уй бекаси, ҳам депутат, ҳам раҳбар, ҳам меҳрибон онадир.

Биргина мисол: «Миллий тикланиш» демократик партияси Хоразм вилоят Кенгаши қошида ташкил этилган «Депутат аёллар клуби»да айни пайтда 40 нафар аёл депутат ва 60 дан ортиқ олима аёллар жам бўлишган. Улар орасида фан докторлари, фан номзодлари, Давлат мукофоти совриндорлари, ҳатто спортчи чемпионларигача бор.

Куни кеча «Зулфия» номидаги Давлат мукофотига лойиқ кўрилганлар орасида 2 нафар Хоразм фарзанди борлиги ҳам эътиборга молик. Халқ депутатлари Хонқа туман Кенгаши депутати Зулфия Исмоилова эса II-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги Фармонига мувофиқ эса жамият ва давлат ҳаётида фаоллик кўрсатаётган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган, шунингдек, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган бир гуруҳ хотин-қизлар эса «Мўътабар аёл» кўкрак нишони билан тақдирланиб келади.

Бу йил ана шундай юксак мукофотнинг Хоразм вилояти Кенгаши фаоли Комила Собирова ва менга насиб қилгани камтарона меҳнатимизнинг Давлатимиз томонидан эътироф этилгани бўлди.

Бу мукофот айни пайтда "Миллий тикланиш" партиясида фаолият олиб бораётган юзлаб, минглаб опа-сингилларимизники ҳамдир. Чунки биз партия фаоли, депутати сифатида танилдик, меҳнатимиз кўринди.

Камтарона хизматимизни юксак қадрлаган Юртбошимизга эса билдирилган ишончни, албатта, оқлаймиз дейман.

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА,
партиянинг Қўшкўпир туман Кенгаши раиси,
халқ депутатлари туман Кенгаши депутати,
«Мўътабар аёл» кўкрак нишони соҳибаси

Эътибор инсонга куч ва рағбат беради

Ҳар йили юртимизда хотин-қизлар байрами муносабати билан жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган опа-сингилларимизни рағбатлантириш, орден ва медаллар билан тақдирлаш яхши анъанага айланган. Куни кеча ана шундай фидойи аёлларнинг 282 нафарига «Мўътабар аёл» кўкрак нишони топширилди. Совриндорлар орасида борлигимдан, камтарона меҳнатим давлатимиз томонидан эътироф этилганидан беҳад қувондим. Зеро, эътироф инсонни руҳлантиради, рағбат янада кўпроқ меҳнат қилишга, яратувчанликка ундайди. Бир сўз билан айтганда, эътироф инсонни ҳаётга боғлайди. Аслида бундай мукофотга ҳар бир ўзбек онаси муносиб, деб ўйлайман. Хусусан, партиямиз тизимида фаолият юритаётган ҳар бир аёл ҳам ўз фидойилиги, юртимиз равнақига қўшаётган ҳиссасига қараб МЎЪТАБАРдир.

Феруза ЖАЛИЛОВА,
Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи,
«Мўътабар аёл» кўкрак нишони соҳибаси

Қутлов!



МУНОСАБАТ

«Уйма-уй» лойиҳаси эса жами 1073 та хонадондаги 445 нафар хотин-қизлар қамраб олинди. Шу жараёнда 584 та муаммоли масала аниқланиб, барчаси ижобий ҳал этилди.

Дилбар ОРЗИЕВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати

ИНСОН ҚАДРИ, АЁЛ ШАЪНИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ЯШАЯПМИЗ

Бугун баҳорнинг хуш ифорли шабодалари билан хотин-қизларимиз ҳаётига ҳам ёқимли ўзгаришлар шабодаси кириб келди.

Давлатимиз раҳбари раислигида 1 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши мамлакатимиз хотин-қизлари ҳаётида тарихий ҳодиса бўлди, десак муболаға бўлмайди. Айнан баҳорнинг илк кунида бундай мулоқот барча аёлларимизда эртанги кунга ишонч туйғусини уйғотиб, оила мустаҳкамлиги, жамият фаровонлиги ҳамда Ватан равнақи йўлида олиб бораётган эзгу фаолиятига кучқувват бағишлади.

Ушбу тадбирда билвосита иштирок этарканман, ўзимни дунёдаги энг бахтиёр аёл, она сифатида ҳис этдим. Айниқса, юртбошимиз ташаббуси билан таълим тизимида хотин-қизлар учун кенг имкониятлар яратилаётганлиги халқимизни беҳад хурсанд қилди.

Жумладан, ҳар бир вилоятда эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган 150 нафар қизнинг (жами 2,1 минг нафар) таълим контракти маҳаллий бюджетдан тўлаб берилиши, ёш фарзанди бор талаба-қизларга масофавий ўқишга шароит яратилиши ҳамда контракт пулини тўлаш учун 7 йилга мўлжалланган фоизсиз кредит ажратилиши ниҳоятда одилона қарор бўлди. Бундай қарор кам таъминланган оила қизларининг билим ва иқтидорларини намоён этишлари учун жуда катта имконият, албатта.

Йиғилишда гендер тенглиги ҳақида ҳам гапирилиб, ушбу йўналишда мутасадди раҳбарларга аёлларни юқори лавозимларга тайинлаш бўйича топшириқлар берилгани барчамизни тўлқинлантирди ҳам.

Биз – халқ сайлаган депутатлар ҳам хотин-қизларнинг муаммоларига ечим топишда доимо изланмоқдамиз.

Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонида ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-ҳунарга ўқиш имкониятини яратиш, касбга ўқитиш қўламини 2 баробар ошириб, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқарони касб-ҳунарга ўқитиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини 30 фоизга етказиш белгилаб қўйилди.

Шу ўринда Навоий вилоят Кенгашидаги депутатларимиз ва фаоллари биргалашиб, «Аёллар қаноти» томонидан «Хизмат – беминнат» лойиҳаси доирасида вилоят бўйича 69 та ўқув курси ташкил этганимизни айтмоқчиман. Мазкур ўқув курсларида 218 нафар кам таъминланган, эҳтиёжманд хотин-қизлар таҳсил олди.

«Уйма-уй» лойиҳасида эса жами 1073 та хонадондаги 445 нафар хотин-қизлар қамраб олинди. Шу жараёнда 584 та муаммоли масала аниқланиб, барчаси ижобий ҳал этилди.

Гарчи вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатларимизнинг 30 нафарини аёллар ташкил этса-да, "Депутат аёллар клуби" доирасида 200 нафардан ортиқ депутат ва фаол хотин-қизларни қамраб олганимизни айтиш мумкин.

Бу жуда катта куч, албатта. Зеро, аҳоли муаммоларини «маҳаллабай» ва «фуқаробай» ҳал этиш бўйича «Депутат аёллар клуби» аъзолари томонидан ҳудудларда 179 марта «Депутат билан юзма-юз», «Сайёр қабул» лойиҳалари асосида учрашувлар ташкил этдик. Унда 1586 нафар фуқаро қамраб олиниб, уларнинг 1286 нафарини хотин-қизлар ташкил этди. Ушбу тадбирларда 1046 та муаммо аниқланиб, 786 таси ижобий ҳал этилди.

Энг асосийси, ана шу жараёнда «Аёллар дафтари»га киритилган 763 та аҳоли хонадонларида аниқланган 478 та муаммоли масаладан 362 таси ижобий ҳал этилди. Шу билан бирга 549 нафар хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатилди. 387 нафар хотин-қизлар эса «Аёллар дафтари»дан чиқарилди.

Албатта, бу маълумотлар барча йўналишда ишларимиз силлиқ кетаётганини англатмайди. Ҳали ечимини кутаётган муаммоларимиз кўп. Юртимизда янгидан Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилганлиги жамиятимизда ушбу соҳадаги ишларни янада ривожлантиришга, оналаримиз, опа-сингилларимиз муаммоларининг ечимини топишга хизмат қилади, деган умиддамиз. Зеро, аёл тинч бўлса, оила тинч бўлади, жамиятнинг эса фаровонлиги таъминланади.

Қутлов!

Сешанба
8 март, 2022 йил
№9 (1158)

САДОҚАТ
ТИМСОЛИ

Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур,
Асли сиз офтобим, мен зиёсиман.
Тонгларингиз кулсин дориломон, хур,
Бахтим шул – Ўзбекнинг
Зулфиясиман.

БАХТИМ ШУЛ – ЎЗБЕКНИНГ Зулфиясиман

Қадим тарих китобларига зарҳал ҳарфлар билан номи битилган, миллат оналарининг шонли тимсолларидан бири, шубҳасиз, Зулфияхоним Исроиловадир. Шоира чорак асрдан ортиқроқ вақт давомида «Саодат» журнали бош муҳаррири сифатида қанчадан қанча оилаларга, айниқса, хотин-қизларга ёрдам берди, дунёнинг барча яхшилиги-ю азобини соҳир қалами билан енгиб, чинакам шеърият мактабини ярата олди.

Ҳар бир ижодкор халқ оғзаки ижодининг беназир намуналарида миллатнинг руҳини англаб, адабиёт майдонига кириб келишини шоирамиз шундай таърифлаганлар: «Онамнинг қанчадан қанча қўшиқ ва афсоналарни, достонларни ва эртакларни билишига ақлимиз бовар қилмасди. Бу сеҳрли афсона ва достонлар бизга бениҳоя ҳузур бағишлар, ўзига ром қилиб олар, ҳар сафар янги жилва касб этарди. Шунга аминманки, мўъжизалар яратишга қодир, жаҳонни кўзга кенг очувчи инсонни ғўзаллик сари етакловчи, сўзга шайдолик ҳиссини менинг қалбимда остона ҳатлаб кўчага чиқмаган оддий аёл – онам уйғотган».

Ҳамма даврларда ҳам закий оналарнинг билимдонлиги меҳр нурига қўшилиб, фарзандлар кўнглига тафаккур чироқларини ёққан.

Улуғлар шоир ўзи ҳақида, ўзининг «мени» ҳақида сўзлаб туриб, умумий нарса – инсоният ҳақида сўзлайди, деганлари нақадар рост эди.

«Гуллар очилганда», «Қўлимда қурол-у устимда шинель», «Баҳор келди сени сўроқлаб», «Она элда тўлишар баҳор», «Палак», «Менинг Ватаним», «Голиблар қайтганда», «Юртимни куйлайман», «Юрагимга яқин кишилар», «Салом сизга эркпарвар эллар» каби шеърлар, «Ҳулкар», «Қизлар қўшиғи» туркумларида «Кўкси тоғ, шодлиги баҳорги дарё», («Юртимни куйлайман»), «Саргайиш билмасин сулув келинчак» («Келинчак»), «Изтиробинг дилимга озор ишқ» («Кимни кутасан»), «Кўк етими – паға булут», «Нима бўлди шу етим қатра» («Қатра») сингари топилмалар шеърдан шеърга, китобдан китобга кўчиб, юксалиб бораётган ҳассос кўнгилнинг дилномаларидир.

Шоиранинг «Ҳаёт варақлари» (1932) номли биринчи китоби ҳақида устоз шоир Миртемир домла: «...давр ва поэзия аёл эрки, аёл қалби, изтиробга лиммо-лим она тимсоли, она армонлари. Она бахти, она дилини куйлашга қодир бир она бошига муҳтож ва интизор эди. Зулфия ана шу бўшлиқни тўлдириб, қўлига соз олган, ўша чанқоқликни қондирган биринчи аёл, биринчи куйчидир», – деб ёзган эдилар.

Зулфияхонимнинг Ҳамид Олимжон билан кечган ўн йиллик ҳаёти икки дилнинг муҳаббат, меҳр достонига ўхшайди. Оташин шоирнинг фожиали ҳалокати жону жаҳонидан айирса-да, қўлидаги қалами ва икки гўдагини бағрига босиб, садоқатни, вафони умрининг асл мазмунига айлантиргани сатрларида акс этади. («Тингла булбул»), «Қизлар қўшиғи», «Ҳижрон кунларида», «Мен тонгни куйлайман», «Дугоналар билан суҳбат», «Юрагимга яқин кишилар», «Гулларим», «Висол», «Йиллар, йўллар», «Азиз туйғулар», «Тонг билан шом аро» каби китобларида эса давр одамларининг меҳру муҳаббатлари, оғир кунда бир-бирларига бўлган инсоний елкадошлик, ўзбекона ҳалимлик, бағрикенглик фазилатларини васф этади.

«Ҳижрон кунларида» машъум уруш жароҳатларидан зада инсонларнинг қалб оғриқларини, «Юрагимга яқин кишилар» китобида одамлар меҳридан ҳаётбахшлик фазилатлари Она меҳрига туташиб кетажагини ўзига хос, оқилона ва бегард тасвирлайди. Зулфияхоним аёллар ҳаётини, уларнинг муаммолари, орзу ўйлари, кечинмалари, ҳаёт тарзларини содда ва жўн сатрларда «Кўзгу керак бўлса, Ойнакўлни ол», «Раққоса қайинлар ичра йўқолай, этакдан, киприкдан, сочдан торт кейин» («Кўкчатов»), «Кийгизармиш камалакдан камзул тикиб беқасам» («Булут ўйини») сатрлари билан аёллар оламининг ранго ранг тасвирларини оналарга хос зийраклик, аёлларга хос назокат, қизларга хос фасоҳат билан зийнатлаб ёзади. Завқли ҳаёт, меҳнатсеварлик ва яратувчанлик, уруш етказган жароҳатларнинг малҳами меҳр, ошиқлар аҳди, сулув келинларнинг кемтик армонлари, етим қолган болаларнинг унсиз фарёдлари, ғўзаллик, эзгулик оналарнинг кўнглидаги дард ҳам, меҳру муҳаббат ҳам, шоира сатрларида ўқувчига ҳикмат беради, кўнгилга таскин беради.

Шоира Осиё-Африка бирдамлиги комитетининг, Ёзувчилар уюшмасининг, Хотин-қизлар қўмитасининг вакиласи сифатида Ҳиндистон, Шри-Ланка, Миср, Япония, Бирма, Югославия, Австрия, Болгария каби қатор давлатларда бўлиб, ўзбек адабиётини, Шарқ адабиётини тарғиб қилгани, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари учун «Нилуфар» (1970) мукофотини Ҳиндистон Бош вазири Индира Гандидан қабул қилиб олгани азиз ўқувчиларимизга яхши маълум.

Осиё ва Африка ёзувчиларининг Деҳлида ўтказилган биринчи конференциясида «Мушоира» шеърини ўқийди, ўшанда машҳур шеър умумбашарий қадрият – Она Шарқ мамлакатлари қалбининг «бир улкан қалб бўлиб бирлашиб», тинчлик ва эзгуликни мадҳи бўлиб янграгани рост.

Ва яна Инсон Она ернинг бир зарраси, зарраларнинг бирдан бир умиди, якка-ю ягона тилаги муқаддас маконимиз – Она заминни асрамоқ эканини, «Гуллар бўйин олиб келган шаббода, ҳинд қизи куйи, анвойи қушлар куйин тинглаб», «ўзбек супасидай саҳнада гилам», «чироқда ёнарди гуё капалак» образлари, «кекса-ёш, ота-ю фарзанддай яқин» каби ўзбекона иборалар билан ўқувчи кўнглига кириб боради.

Онанинг қалби – инсоният қалби, онанинг муроди битта – фарзандлари омон бўлмоғи учун тинчликни ёқлаш, тинчликни асрашдир. 1954 йили Хиросимага ташланган бомба оқибатидан бир умр майиб бўлиб қолган мажруҳ инсонлар кечмишидан хабардор шоира «Ўғлим, сира бўлмайди уруш» деган шеъри билан «Она қалби оёққа турса, ўғлим сира бўлмайди уруш» дея ҳайқирган эди.

Шоиранинг замондошлари Ойбек, Ойдин, Ҳамид Олимжонларнинг ўчмас хотираларига бағишлаб ёзган «Қуёшли қалам», «Ойдин», «Сўроқлайди шоирни шеърим» сингари очерк ва достонлар, Ҳамид Олимжоннинг «Семурғ», «Зайнаб» каби достонлари асосида яратган саҳна асарлари адабиётимиз дарғаларининг ижодлари талқининг нурли ифодаси саналади.

Зулфияхонимнинг моҳир таржимон сифатида рус, қардош, хориж адабиётининг қатор намуналарини ўзбекчалаштиргани ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. А.Пушкин, М.Лермонтов, Т.Шевченко, Н.Тихонов, М.Исаковский, Мустай Карим, Қайсин Қулиев, Н.Ҳикмат, Д.Бедный, Г.Мистрал, С.Рустам, М.Турсунзода асарларидаги эзгу ғоялар, Леся Украинка, Соломея Нерис, Анна Ахматова, Маргарита Алигер, Вера Инбер, Марина Цветаева, Силва Капутикян, Эди Огнецвет, Марварид Дилбози сингари шоира-ю адибаларнинг аёллар руҳий олами реал тасвирлари ўзбек тилига таржима қилинди.

Сабру матонатнинг тимсоли – аёллар, уларнинг башарият тараққиётидаги ўрни ҳақидаги Н.Некрасовнинг «Рус аёллари» поэмаси таржимаси шоиранинг ҳақиқий ижодий ютуғи бўлди.

Рус шоирлари В.Державин, М.Алиев, К.Симонов, Л.Пеньковский, Ю.Неймен, М.Борисова, Р.Казаковалар Зулфия шеъриятини рус шеърхонлари учун таржима қилган бўлсалар, йигирмадан ортиқ шеърий тўпламлар инглиз, француз, немис, япон, ҳинд, румин, поляк, мўғул, болгар, араб ва форс тилларига ўгирилди. Бундай тинимсиз меҳнатлар, шубҳасиз, изсиз кетмади, шоиранинг ижтимоий фаоллиги ва халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ишига қўшган катта хизматлари муносиб этироф этилиб, Жавоҳарлал Неру номидаги (1968) ва Болгария ҳукуматининг 1-даражали «Кирилл ва Мефодий» орденлари билан тақдирланди.

Зулфияхоним «Адабиётни ҳеч қачон бир киши яратмайди. Уни бутун адабий жамоатчилик яратади. Адабиёт халқ ҳаётини акс эттиради, ёзувчилар эса ана шу ҳаётни куйлаб, адабиёт яратадилар», деб ёзган эди. Зеро, унинг ўзи ҳам қалам аҳлини баҳоли қудрат қўллаб-қувватлаганини донишманд шоиримиз Эркин Воҳидовнинг Сергей Есенин шеърлари таржимасига юқори баҳо бергани, ҳар бир ярқ этган ижодкор ижодига эмас, шоира эди, ўн етти ёшида «қалдирғоч» шеърлар тўплами нашрдан чиққан, тошкентлик уста Исроил дегрез билан Ҳадича онанинг қизлари, оловдай шоира – Зулфия опа уйимизга келин бўлиб тушдилар».

Икки шеър шайдосининг тўйлари муносабати билан Зулфия опанинг оналари ўз қўллари билан тиккан катта, қуёшнусха сўзана совға қилганларида Ҳамид Олимжон сўзананинг қавиқларини қўли билан силаб туриб: «Бу сўзана менинг уйимга нур ва фаришталарни етаклаб келди», деб завқланган эканлар. Палак ҳақида гапирганларида Зулфия опа яна бир воқеани сўзлаб юрганлар:

– Ҳамма иш битди, тайёр деганларидан кейин палакни қўлимга олиб қарасам, бир чети чала экан. Мен янгамга: «Нима учун мана бу жойини тикмадинглар. Келинглар, мен битказиб қўяй», – дедим. Шунда онам бу дунёнинг ишлари ҳар доим чала, агар палакни охиригача бекаму кўст тикиб, унга нуқта қўйилса, ҳаёт ҳақиқатига зид бўлади, нимнинг келин сифатидаги саришталиги, билимдонлиги, ибратомуз ҳаёти ҳақида завқ ва эҳтиром билан таърифлаганларини эслади.

Халқимизда «Яхши одамларнинг болалари ҳам яхши одамлар бўлиб етишади», деган нақл бор. Ўғли Ҳамид Олимжоннинг тўйига Жиззахдан меҳмон бўлиб келган Комила ая юртига қайтиб кетишга шайланади. Келини Зулфияхоним уларнинг кетишига йўл қўймайди. Ўғлингиз шу ерда, сизлар ҳам биз билан бирга яшайсизлар», дедили келиннинг қистови билан. Битта уйда ҳаммалари бирга яшашади. Зулфияхонимнинг Ҳамид Олимжонга бўлган муҳаббати унинг онаси, сингиллари ва укаларига ҳам бирдек етарди. Севган инсоннинг қариндошлари ҳам шундай суюмли бўларкан-да!

Шоирнинг укаси Сарвар Азимов эса қуйидагича ёзади: «Қўл-қўлга етмас шу кунларда омад келишига нима етсин. Ҳамид Олимжон ёниқ юлдузини – жон ҳадя қилишга тайёр севгисини топди. Унинг оти – Зулфия. У устози Миртемир айтганидек, нозима дедилар.

Зулфия опа санъат музейида миллий санъат кўргазмасини Александра Стрельцова билан томоша қилганларида рус журналисти «Нима учун палакнинг мана бу ери тикилмаган?», – деган саволига оналари Ҳадича онанинг шу сўзларини айтсалар, журналист ўйланиб туриб «Узбекский народ – мудрый народ» деб ҳайратланган экан.

– Қадрли акам, Халқ артисти Ботир Зоқиров, – деб ҳикоя қилади Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров. – Қўшиқларининг маъносига катта эътибор қаратардилар. Фалсафий, залвори бор шеърлар у кишининг жони-дили эди.

Аниқ эсимда бор, Москвада ўтган Ҳамид Олимжоннинг етмиш йиллик юбилейи тантаналарида Ботир акам «Ҳаёлимда бўлдинг узун кун...» шеърини қўшиқ қилиб куйлаган эдилар. Концерт тугагач, Зулфия опа саҳнага чиқиб, Ботир акамни қучоқлаб:

– Ботиржон, бу шеърни Ҳамид акангиз менга бағишлаб ёзган эдилар, уни шундай куйладингизки, хаёлимда ўзлари ўқиб тургандай бўлдилар», – дея миннатдорлик билдирган эканлар. Ботир акам Зулфия опани жойларига кузатар эканлар «Умрбоқий муҳаббат деганлари шу бўлса керак», – деганлари ҳали ҳам эсимда деганди.

Маълумки, ҳар қандай миллатнинг биринчи тарбиячилари оналардир, бизга яхши оналарни беринг, шунда биз яхши одам бўлиб етишамиз, дейди улуғлар. Оилада ота ўрнини ҳам босиб, иссиқ-совуққа бирдек қалқон бўлиб тургувчи, фарзандлари, набиралари келажаги учун тоғдек посбон бўлгувчи момоларимиз ўзбекнинг асл аёлларидирлар. Мен буни Зулфия опанинг ўғиллари Омон Олимжоновнинг армонли ва фахрли сўзларини эшитиб англадим.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос Омон Олимжоновнинг Олий Кенгаш депутатлигига номзодлари қўйилганида, мен у кишига ишончли вакил сифатида Жиззах туманидаги учрашувларида қатнашган эдим. Учрашувлардан бирида Омон Ҳамидович ота-онаси ҳақида меҳр билан гапирар экан, ҳар икки беназир шоирнинг ҳаётида бувиси Комила аянинг катта рол ўйнагани, донишманд бувисининг меҳру фидойилиги бошига осмонлар қулаб тушган Зулфия опанинг оёққа туришига, ижодий фаолиятини давом эттиришига тоғдайин суянч бўлгани, ўзининг юраги тилка пора бўла туриб, доно келини ва азиз набираларини оғир дамларда тоғдек суяган ўзбек онаси ҳақида ёниб ▶

> **Ҳар қандай миллатнинг биринчи тарбиячилари оналардир, бизга яхши оналарни беринг, шунда биз яхши одам бўлиб етишамиз дейди, улуғлар. Оилада ота ўрнини ҳам босиб, иссиқ-совуққа бирдек қалқон бўлиб тургувчи, фарзандлари, набиралари келажаги учун тоғдек посбон бўлгувчи момоларимиз ўзбекнинг асл аёлларидирлар.**

Буюк Соҳибқирон Амир Темур тузган ва кейинги тақдири мураккаблашган давлатни қайта марказлаштиришга бўлган ташаббус у кишининг уринишлари ҳосиласи бўлганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

ҚОСИМ ШАЙХ АЗИЗОН Ким бўлган?

Қадим Кармананинг Қосим Шайх меъморий мажмуаси XVI асрнинг нодир обидаси бўлиб, Шайбонийхонлар сулоласидан бўлган Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II томонидан ўзининг пири ҳамда Яссавия тариқатининг давомчиси Қосим Шайх Азизонга атаб қурдирилган.

сўзлаганди. Ўзбекнинг оналари ҳамиша сабрли, фидойи ва мард бўлганининг исботи бу!

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Жиззахда фаолият кўрсатаётган Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактабида таҳсил олаётган ўғил-қизлар билан дийдорлашганимизда, улар Моҳичеҳра Абдурасулованинг «Ширин орзулар» тўплами нашр этилгани, ёш ижодкорларнинг ижод намуналари Украинанинг «Автограф», Германиянинг «Мастерская», АҚШнинг «Чайка» номли нашрларида эълон қилинганини фахр билан тилга олишди.

Дунёнинг бирор-бир давлатида аёл номи билан таъсис этилган давлат мукофоти йўқ. Мана, 23 йилдирки, ушбу мукофотга сазовор бўлган қизларнинг ёшлар учун ибрат бўлаётганлари, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятларини намоён этиб, ўз ташаббусларини илгари сураётганлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, спорт соҳаларида фаол иштирок этаётганлари рағбати Зулфияхонимдек истеъдодларни, фидойи ва ватанпарвар қизларни дунёга танитмоқда.

Бутун умр эл хизматида бўлиб, замондошлари ташвишини елкалаган инсонлар ҳамма замонларда ҳам шараф ва ҳурматга сазовор бўлганлар. Биз Зулфияхоним ҳаётини, ижоди билан боғлиқ фаолиятини ўрганар эканмиз – ҳар бир нуқтада «Бахтим шул – Ўзбекнинг Зулфиясиман» деб фахрланган ўзбек онасининг, ўзбек аёлининг қиёфаси иззатини кўрамиз.

Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур,
Асли сиз офтобим, мен зиёсиман.
Тонгларингиз кулсин дориломон, ҳур,
Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман.

Бугун ҳам бутун бир миллатни маърифатга бошлаш, адабиётга яқинлаштиришдек қутлуғ ислоҳотлар Зулфияхоним ижоди тимсолида янграмоқда. Улуғ Чўлпон айтган «Адабиёт яшаса, миллат яшайди», деган пурҳикмат сўзнинг амалдаги исботи бу аслида.

Адиблар хиёбонида Зулфияхоним ҳайкаллари пойига гуллар қўярканмиз, Янги Ўзбекистоннинг адолатли ва шиддатли ислоҳотлари инсон қадри, инсоннинг жамият орасида обрў-эътиборини оширишдек олийжаноб қадриятлар учун хизмат қилаётганига яна бир бор амин бўламиз.

Хаёлимизга баҳор ҳавосидек тоза, қуёш нурларидек майин сатрлар оқиб келаверади:

Бул кун бизнинг даврага
Зулфияхон келдилар,
Баҳорларни етаклаб,
абри найсон келдилар.
Ўшал маҳрур туришлар,
ўшал ўйчан қарашлар,
Сокин кўнгил сўрашлар,
хуш-у хандон келдилар.

Шеърдан чин маъно топиб,
дур топиб, тилло топиб,
Ҳам дард, ҳам шифо топиб,
булбулзабон келдилар.

Фаришта, ҳур малакка, тоза,
ҳарир малакка
Уриб қўйиб юракдан Ҳамид
Олимжон келдилар.

Ишқни суйди икки дил,
ишқда куйди икки дил,
Ишқни кийди икки дил,
қандай ҳижрон келдилар.
Лекин синмади қалам,
лекин тинмади қалам
Дардга кўнмади қалам,
ёзиб равон келдилар.

Муҳаббатнинг тимсоли,
садоқатнинг тимсоли
Ўзбекнинг бир аёли,
сўлим райҳон келдилар.
Элим, асл истеъдод мангу
яшар, ўлмайди-
Уларни қўллаб турган
давру даврон келдилар.

Бу юрт бир юрт бўлади,
дунё ҳаваси келган-
Таърифи жаҳонаро
Ўзбекистон келдилар.
Бул кун бизнинг даврага
Зулфияхон келдилар...

Сайёра ТЎЙЧИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Ҳазрати Низомиддин Қосим Шайх Азизон асли қадим Карманада, Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғи яқинидаги Маржонхотун қишлоғида таваллуд топган. Бу манзил ҳозирги Навбаҳор туманининг Метан қишлоғи сарҳадларига тўғри келади.

Қосим Шайх Азизон дастлаб Карманада, кейин эса Бухорога бориб, Кубровия (Хожагон) тариқатчиларидан бири Шайх Абдулатифдан таълим олади. Шайх Абдулатиф хонақоҳида бир муддат бўлгач, ул зотнинг «Кубровия» тариқатида бизга берилган рухсат сизга ҳам таллуқлидир» деган фатвосига эришиб, сўнгра илм талабида Самарқанднинг Алиободига (ҳозирги Пайариқ туманидаги Челак қўрғонига туташ жой) Ҳазрати Шайх Мавлоно Вали даргоҳига йўл олади.

У ерда устози Шайх Мавлоно Вали хизматида ўн йил бўлиб, устозидан ҳамда Кубровия, Қодирия, Яссавия, Нақшбандия шайхларидан таълим ва пирлик ижозатини олади.

Қосим Шайх XVI асрда Мовароуннаҳрнинг етакчи руҳий раҳномаси, илм-маърифат намоёндаси, пир даражасига етган диний арбоби ва Хожа Аҳмад Яссавий тариқатининг Шайх Худойдод Вали ва Ҳазрати Мавлоно Валидан кейин турувчи, 13 халқасининг номдор давомчиси ҳам эди.

Бу табаррук инсон айни пайтда ўз даврининг ижтимоий-сиёсий муаммоларини ечишда, юртда тинчлик ўрнатишда, уруш ва низоларни бартараф этишда ҳамда маърифат тариқати тарихида ўзига хос из қолдирган беназир шахсдир.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур тузган ва кейинги тақдири мураккаблашган давлатни қайта марказлаштиришга бўлган ташаббус у кишининг уринишлари ҳосиласи бўлганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Марказий Осиё тарихидан маълумки, ҳар бир ҳукмдорнинг бир неча диний устози ва пири бўлгани каби ўз даврида Қосим Шайх ҳам XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухорода ҳукмронлик қилган Искандар Ибн Ҳонибек Султон ва унинг ўғли Абдуллахон II Ибн Искандархонларнинг пири эди. Модомики, ҳар қандай жамиятда ҳар қандай даврда ҳам ҳукмдорларнинг руҳий таянчга эҳтиёжи бўлган.

Шу боис, Абдуллахон II ўз пири ҳамда маслаҳатгўйи Қосим Шайхга бўлган юксак эҳтироми туфайли, у ҳаётлик даврида унга атаб (1558 йил) бу мажмуани қурдирган.

Зарафшон воҳасининг етук авлиёси, бутун умрини маърифат тарқатишга қаратиб, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини камол топтириш йўлида қайғуриб, солиқ йиғувчиларнинг аҳолига тазйиқ ўтказишларига қарши бўлиб, мамлакат фаровонлиги учун закотчиларни инсофга чақирган маърифат намоёндасидир.

У зотнинг ажойиб фазилатлари: ислом аҳлини бирлаштириш, турли табақадаги кишиларни бир хил яшашга ундаш, адолатсизлика қарши курашиш, эл-юрт ободончилиги ва маъмурчилигига эришиш эди.

Ўз замонасининг шайхлари Қосим Шайхга «Орифлар султони, бузруглар бурҳони, замона қутби, авлиёлар мададкори, давр ягонаси, хосу авом мурожаатгоҳи, валийлик манбаи ва асоси, олам солиқларининг илоҳий хазиналарини кашф этиб берувчи, валийлар таянчи, фақирлар умиди, ғайри таърифга беҳожат зот» деб тариф берганлар.

Манбаларда келтирилишича, Бухоро ҳукмдори Абдуллазизхон вафот этгач (1550 й) тахтни эгаллашга уринган Самарқанд ҳокими Абдулатифхон ҳамда Туркистон ва Тошкент ҳокими Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон) катта қўшин тўплаб, Орифарикент ва Миёнколни босиб олиш учун келаётганини эшитган Офарикент ва Миёнкол ҳокимлари ҳар томонга қочиб кетадилар.

Шу вақтда Қосим Шайх ўз муридларини бошлаб келиб, бўлғуси ҳукмдор 17 ёшли Абдуллахонга маслаҳат беради ва унинг ёрдами билан Кармана қалъасини ҳимоя қилади. Натижада, Наврўз Аҳмадхон Карманани ўн икки кун қамал қилса-да, қалъани ололмайди. Чунки, қалъа ичида Қосим Шайх ҳазратлари ҳам борлигини эшитиб, сулҳ тузишга мажбур бўлади. Шундан сўнг, Абдулатифхон ва Наврўз Аҳмадхонлар ўз вилоятларига қайтиб кетишга мажбур бўладилар. Қосим Шайх қарийб ўттиз йиллик фаолиятини тожутахт ва ҳукмдорликни қўлга киритиш учун курашаётганларни муросага келтириш, қонли тўқнашувнинг олдини олиш, ҳалқ фаровонлиги ва тинчлигини ҳимоя қилишга қаратади.

Дарвоқе, маданий ва маънавий ҳаётда катта мавқега эга бўлган Қосим Шайхга Абдуллахон II «Азизон» деб ном берган. «Азизон» дегани «Азизлардан, улуғлардан ёки азиз устозлардан» маъносини англатади.

Абдуллахон II мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир масалаларни ҳал этишда қийналган вақтларида, доимо Қосим Шайхга мурожаат қилиб, Бухоро ва Кармана оралиғидаги масофанинг йироқлигига қарамасдан Шайх ҳузурига тез-тез ўзи келиб, маслаҳат олиб турар эди.

Манбаларда қайд этилишича, 1576-1577 йилларда бир-бири билан курашиб турган уч ҳукмдорни, яъни Хоразм шоҳи Ҳожи Муҳаммадхонни, Қипчоқ даштилик қозоқ Эшимхон ва Абдуллахонни Карманада бир кийгиз устига ўтқизиб, сулҳ тузишга эришган. Бу воқеа Ҳофиз таниш ал-Бухорийнинг «Абдулланома» асарида ҳам қайд этилган. Таъкидларга қараганда, Қосим Шайх ҳаётида бундай ҳолатлар кўп бўлган.

Қосим Шайх ғайриоддий хусусиятлар соҳиби ва кароматлар қила оладиган мўътабар шахс ҳам бўлган.

Хожа Бобо Камолийнинг нақл қилишича, бир куни кечаси хонақоҳда Тоҳир Шайх билан Пирим Шайх (Яссавия тариқатининг 14, 16-силсиласи шайхлари) иккалалари ўтирган экан. Улар Хожа Бобо Камолийга қараб дебдилар, бизга шу кечада қимиз топиб кела оласанми?

Хожа шу кечада Ҳазрати Қосим Шайх Азизон атрофларида хизмат қилиб юрган экан. Бир оз муддат ўтгач, бир чироқ пайдо бўлиб, Ҳазрат овоз бердилар: «Эй Бобойи Девона, бу қимиз ва нонни икки Шайхга олиб бориб бер». Бобойи Камолий бақириб юбориб: «Ҳаргиз сизнинг валийлигингизга шубҳа йўқ» деди. Кейин қимиз ва нонни мазкур Шайхлар ҳузурига олиб борди.

Яна бир мўътабар зот – Шайх Олим Азизон (Яссавия тариқатининг 17-силсиласи пири) нақл қиладиларки, Ҳазрати Азизон юртга вабо касали келишидан олдин айтган эканларки: «Менинг қулоғимга бир овоз келиб, «Абдуллахон ва унинг лашкарларига вабо келадур», деган экан.

Яна айтадиларки, «Биз вабони ўзимизга олдик. Чунки, Абдуллахоннинг бор бўлишида кўп яхшиликлар бор» деб Аллоҳга илтижо қилади ва юрт аҳлига юқмаслигини сўрайди. Дуоси ижобат бўлиб, касаллик аҳоли ўртасида тарқалмайди, ўзи эса шу касалликдан (тахминан 1578-1581 йилда) 80 ёшларида вафот этади. Уни ўзи учун қурилган хонақоҳ ёнига дафн этадилар.

Мухтасар айтганда, Қосим Шайх айнан ўша даврда замонасининг етакчи раҳнамоси сифатида биринчидан, Яссавия тариқатининг мавқеини янада оширди, иккинчидан, Карманани маърифат марказига айлантирди, учинчидан, ҳукмдорлар ўртасида ўзаро сулҳ ва битимлар тузилишининг сабабчисига айланди.

Шу ўринда Ҳазрати Қосим Шайх Азизон, хусусан, унинг насл-насаби, шажараси ҳақида маълумот берувчи манбалар бизгача етиб келмаган, негаки, ўша даврларда валийлар машҳурликни ўзларига жоиз, деб билмаганларини айтиш ўринли.

У зотнинг таржимаи ҳолига оид қайдларда, уч нафар укаси бўлгани, уларнинг исми Норман Шайх, Темур Шайх ва Чўян Шайх бўлганлиги айтилган. Шунингдек, Шайхнинг икки нафар қизи бўлгани, бири Бухорони Жўйбор хожаларидан бўлган, Нақшбандия тариқатининг илғор пешволаридан бири Хожа Съаднинг ўғли Хожа Тожиддин Ҳасанга 1592 йилда турмушга чиққани, бу никоҳ маросимини Хожа Съад ҳам, Ҳазрати Қосим Шайх ҳам яти), Ҳазрати Сулаймон Боқирғоний-Ҳаким ота (Хоразм вилояти), Ҳазрати Қосим Шайх Азизон (Навоий вилояти)ларга мансуб бўлиб, ҳозир ҳам уларга тегишли қабр, ҳонақоҳ ва зиёратгоҳлар мавжуддир.

Қосим Шайх мажмуаси уч юз йилдан кўпроқ муддатда Яссавия тариқатининг таълим маркази бўлиб, хизмат қилган ва суфийлар учун бошпана вазифасини ҳам ўтаган. XIX аср сўнгидагина ундан масжид сифатида фойдаланилган.

Мустақиллик йилларида эса Қосим Шайх мажмуаси тубдан таъмирланиб, ўз қиёфаси ва улуғворлигини яна тиклади, гўзал ва файзли масканга айланиб, ҳар бир зиёратчи-ю сайёҳ эътиборини тортиб келмоқда. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Қосим Шайх мажмуаси тарихини ҳар бир юртдошимиз билиши, Карманага келаётган меҳмонларга у ҳақда сўзлаб бериши, ёш авлод вакилларига авлодаждодларимиз ким бўлгани, қолаверса, бу замин азиз авлиёлар қўним топган кўҳна диёр эканини уларга етказишимиз лозим.

> Қосим Шайх XVI асрда Мовароуннаҳрнинг етакчи руҳий раҳномаси, илм-маърифат намоёндаси, пир даражасига етган диний арбоби ва Хожа Аҳмад Яссавий тариқатининг Шайх Худойдод Вали ва Ҳазрати Мавлоно Валидан кейин турувчи, 13 халқасининг номдор давомчиси ҳам эди.

Мусаллам ИБРАГИМОВА,
Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи директори ўринбосари

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz

«Milliy tiklanish»
ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№9 (1158)
8 март 2022 йил, сешанба

Юртимизда аёл бир кун эмас, ҳар куни эъзозланади

Халқаро Хотин-қизлар куни муносабати билан "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясида байрам тадбири ташкил этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров депутат аёллар ва партиянинг фаол хотин-қизларини байрам билан қутлар экан, юртимизда азалдан хотин-қизларни эъзозлаш, улар ҳурматини жойига қўйиш қадрият даражасига кўтарилганини таъкидлади.

– Аёл тинч бўлса, оила тинч, жамият тинч бўлади. Шу боис, юртимизда аёл фақат бир кун байрамда эмас, ҳар куни қадрланади, – деди партия етакчиси.

Байрам тадбирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Одилжон Тожиев, депутат Алишер Ҳамроевлар ҳам сўзга чиқиб, аёлларни байрам билан табриклашди ва хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳақида гапирдилар.

Байрам тадбири партия Марказий кенгашида давом эттирилди. Аёлларга дил-сўзлари, совға-саломлар улашилди. Бахшиларнинг хонишлари куй-қўшиқ ва рақсларга уланди.

Танишув

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК АЁЛЛАР АНДИЖОНДА

Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманида яшовчи бир гуруҳ хотин-қизлар Андижонга келди.

Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Андижонга ташриф буюрган 103 нафар қорақалпоғистонлик хотин-қизлар "Андижон" темирйўл вокзалида тантанали кутиб олинди.

Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов бир неча кун аввал Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманида бўлганида аҳоли вакиллари билан учрашиб, мулоқот қилган эди. Ўтказган учрашувларда вилоят ҳокими бир гуруҳ кегейлилик аёлларни андижонлик ҳунармандлар тажрибасини ўрганиш учун Андижонга таклиф қилган эди.

Таклифга асосан, вилоятга келган қорақалпоғистонлик аёллар Андижон туманидаги "MED CITY" даволаш ва дам олиш масканига жойлаштирилди. Меҳмонлар бир неча кун давомида ушбу масканда дам олиб, саломатлигини тиклайди. Шу билан бирга, дўппидўзлик, каштачилик, кўрпа-тўшак тикиш, миллий қўғирчоқлар ясаш, гулчилик ва бошқа қатор йўналишлар бўйича андижонлик ҳунармандларнинг иш тажрибаларини ўрганади.

Умуман, Андижондаги бунёдкорлик ишлари, хотин-қизлар тадбиркорлиги, ҳунарманд аёллар фаолияти билан яқиндан танишади.

– Мен андижонлик аёлларнинг гулчилик соҳасидаги ишлари, тажрибаларини ўрганиб, гулчилик йўналишида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчиман, – дейди Кегейли туманидаги Халқобод маҳалласида яшовчи Холнигул Сусенова.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ

Тафаккур

Кўринмас зиё

Кекса отахон набираси билан ғарбий Кентуккининг тоғли ҳудудларида, дарё бўйида яшарди. Набира ҳар тонг бобосининг китоб ўқиб ўтирганини кўрар ва секин ёнига бориб, чўккалаб ўтирар, қулоқ солар эди. Аста-аста ўзи ҳам ўқишни ўрганди.

Бир куни у:

– Бобо, мен ҳам сиздек ўқийман, аммо маъносини тушунмайман. Ўқиган жойларим тезда ёдимдан чиқиб кетади. Бундай ўқишдан нима фойда? – деб сўради.

Бобо саватдаги кўмирни печга солиб, набирасини ёнига чақирди:

– Мана бу саватни ол-да, дарёга бориб, бир сават сув келтир, – деди.

Набира бобоси айтганидек қилди, аммо уйга қайтгунича ҳамма сув саватдан оқиб кетди. Бобоси кулиб:

– Кейинги сафар тезроқ юришингга тўғри келади, – деди ва яна дарёга юборди.

Бола дарёдан сувни олибоқ, уйга югурди, лекин бу сафар ҳам ҳамма сув оқиб кетди. Бола ҳансираб келиб, саватда сув олиб келиш имконсизлигини айтди ва қўлига челак олди. Шунда бобоси:

– Менга челак билан эмас, шу сават билан сув келтир, сен етарлича ҳаракат қилмаяпсан, – деди. Бола саватда сув келтириб бўлмаслигини, қанча уринмасин, сув саватдан оқиб кетаверишини бобосига кўрсатгиси келди. Яна саватни дарёга ташлади ва уни олиб, бор кучи билан югурди. Бобосининг олдига келганида саватда бир томчи ҳам сув қолмаган эди. Болакай ҳансираганича:

– Бобо, саватда сув келтириб бўлмайди! – деди.

– Ҳаракатим беҳуда кетди, деб ўйладингми, болам, саватга бир қарагин, – деди бобо набирасига.

Бола саватга қаради ва кўмир солинадиган қоп-қора, кир ва эски саватнинг тоза бўлиб қолганини кўрди. Шунда бобоси унга:

– Болажоним, сен китоб ўқиганингда ҳам шундай ҳол юз беради. Сен ҳеч нарса тушунмаслигинг ёки эслаб қололмаслигинг мумкин, лекин уни ўқиганингда ички, ташқи томондан ўзгарасан, тозаланасан, – деди жилмайиб.

САККИЗИНЧИ МАРТ

Бу кун ўзгачадир жилваи олам,
Бу кун ўзгачадир борликда ханда.
Бу кун кўзларимга гўё қуёш ҳам
Шафақ гулханида таранг чирманда.

Бу кун тонг эгнида атласдан кўйлак,
Шафаққа ўралган қизлардай гулгун.
Илк бора кўз очиб чиққан бойчечак
Санамлар қўлига интизор бу кун.

Бу кун гўзалликнинг қутлуғ айёми,
Қизларнинг кўкламга мослигидир бу.
Юраклар лиммо-лим муҳаббат жоми,
Баҳор келганининг ростлигидир бу.

Ҳа, бу кун элда ҳам, дилда ҳам баҳор,
Шодлик хандалари фалакка туташ.
Бу кун эрталабдан йигитлар қатор,
Аттор дўконида атирлар талаш.

Отахон чоллар ҳам тавозе билан
Етмиш йиллик ёрин сизлаб турибди.
Бу кун шоирлар ҳам ўз бисотидан
Энг яхши байтларни излаб турибди.

Овора бўлманг, эй, ҳассос шоирлар,
Аёл тасвирига ожиз эрур шеър.
Чунки ёр зулфининг бир толасига
Ташбиҳ топа олмай ўтган Алишер.

Севги асрорини изламай қўйинг,
Топилмас нарсани қидирмоқ нечун?
Муҳаббат сирини билолмай ўтган
Карбало даштида овора Мажнун.

Минг йилча муқаддам Ҳофизи Шероз
Бир гўзал холига бўлганди банда.
Тасаввур қилолмам, не дер эди у
Бу кун анжуманда ўзи бўлганда.

Балки айтар эди у бир лойиқ сўз,
Балки ташбеҳлари бўлар эди фош.
Чунки, кўзингизга тенг қайси юлдуз,
Юзингиз олдида нимадир қуёш?

Сиз, ахир, сийнаси самони қучган,
Сизнинг изингизда замину замон.
Сиз ой кемасида ой бўлиб учган,
Ёрур чеҳрангиздан олам чароғон.

Бу кун ўзгачадир жилваи олам,
Бу кун ўзгачадир борликда ханда.
Бу кун кўзларимга ҳатто қуёш ҳам
Шафақ гулханида таранг чирманда.

Бу кун айёмингиз муборак қилиб,
Зумуррад сепини ёйибди баҳор.
Баҳорий қизларнинг ҳуснидай тўлиб
Олам гўзаллиги бўлсин барқарор.

Эркин ВОҲИДОВ

Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

Kun	Harorat		Tavsif	Yog'in-garchilik
Chorshanba 9-mart		+12° +8°	yomg'ir	98%
Payshanba 10-mart		+16° +9°	yomg'ir	73%
Juma 11-mart		+19° +11°	yomg'ir	100%
Shanba 12-mart		+16° +12°	yomg'ir	100%
Yakshanba 13-mart		+13° +6°	yomg'ir	100%
Dushanba 14-mart		+10° +6°	yomg'ir	56%
Seshanba 15-mart		+9° +6°	bulutli	26%

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОЕВ, Баҳодир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минҳожиддин МИРЗО, Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одилжон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шуҳратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Мақсуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:
Дониёр ТОШБОЕВ,
Равшан МАҲМУДОВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Маъмуржон ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Адади – 10 017.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Буюртма – 316
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 05:15

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11
Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru
ISSN 2010-7714
123456